



FARG'ONA VILOYATI RISHTON TUMANI HOKIMINING QARORI

2022 - yil 18 - noyabr

407-11-158-Q/22

Rishton tumani hokimligi

Тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларнинг жисмоний шахсларга тегишли энгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш бўйича хизматлар учун тўловларнинг чекланган миқдорларини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1010-сон қарорига асосан ҳамда туманда тадбиркорлик субъектлари–юридик шахсларнинг жисмоний шахсларга тегишли энгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш бўйича хизматлари учун тўловларнинг чекланган миқдорини белгилаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сон “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарорга асосан:

2018 йил 1 январдан бошлаб транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказишда жисмоний шахсларга тегишли энгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолати тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар томонидан ҳам текширилиши мумкинлиги;

2021 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларга тегишли энгил автотранспорт воситалари тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар

томонидан мажбурий техник кўриқдан ўтказилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларнинг жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш бўйича хизматлар учун тўловларнинг чекланган миқдори мазкур қарорнинг¹ ва 2-иловасига мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ушбу қарор Риштон ҳақиқати газетасида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Н.Орипов зиммасига юклатилсин.

Tuman hokimi



С.Солиев

Rishton tuman hokimining
2022 yil 18 noyabrdagi
407-11-158-Q/22-son qaroriga
1-ilova

**Автотранспорт воситаларини техник ҳолатини мажбурий техник
кўриқдан ўтказиш учун хизмат ҳақи тўловлари**

КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ

Бензин билан юрадиган автомобиллар учун

№	ХИЗМАТ ТУРЛАРИ	Хизмат кўрсатиш нархлари
1.	Юк	120.000
2.	Махсус	120.000
3.	Юк йўловчи ташувчи	120.000
4.	Автобус	60.000
5.	Микроавтобус	60.000
6.	Енгил	30.000
7.	Мотонаклиёт	30.000
8.	Тиркама	30.000
9.	Ярим тиркама	30.000

Rishton tuman hokimining
2022 yil 18 noyabrdagi
407-11-158-Q/22-son qaroriga
2-ilova

**Автотранспорт воситаларини техник ҳолатини мажбурий техник
кўриқдан ўтказиш учун хизмат ҳақи тўловлари**

КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ

Газ билан юрадиган автомобиллар учун

№	ХИЗМАТ ТУРЛАРИ	Хизмат кўрсатиш нархлари
1.	Юк	120.000
2.	Махсус	120.000
3.	Юк йўловчи ташувчи	120.000
4.	Автобус	60.000
5.	Микроавтобус	60.000
6.	Енгил	30.000
7.	Мотонаклиёт	30.000
8.	Тиркама	30.000
9.	Ярим тиркама	30.000